

ТУРЛИ ТИЛЛАРДАГИ УНДАЛМАЛАР ЎРТАСИДАГИ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЎХШАШЛИКЛАР ВА ФАРҚЛАР ҲАҚИДА

Ж.Сейтжанов,

Г.Худаярова

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.15688740>

Маълумки, кейинги йилларда тилшуносликда янги икки йўналиш, яъни **когнитив тилшунослик** ва **лингвокультурология** оралик фанлари пайдо бўлди. Когнитив лингвистика билиш назарияси (гносеология) ва тилшунослик ўртасида, лингвокультурология эса маданиятшунослик ва тилшунослик ўртасида ҳосил бўлди. Когнитив лингвистиканинг энг асосий вазифаларидан бири – инсондаги билимларнинг пайдо бўлишида тилнинг ролини ўрганади (Маслова В.А., 2004; Юсупов У.К., 2007).

Лингвокультурология тилда маданиятнинг акс этишини ўрганади. Лингвокультурологиянинг бирлиги **лингвокультуремадир** (Воробьев В.В. 1997). Лингвокультуремалар маданиятни акс эттирувчи тил ва нутқ бирликлари (сўзлар, фразеологик бирликлар, сўз бирикмалари, гаплар, мақоллар, фольклор асарлари, абзацлар, матнлардир).

Айрим олимлар лингвокультурема атамаси ўрнида **маданият билан боғлиқ бўлган лингвистик бирлик (лингвокультурологически значимая единица, логоэпистема)** атамаларини ҳам ишлатадилар.

Ундалмалар кўпинча диалогларда ишлатилади ва миллатнинг ва шахснинг маънавий маданиятининг бир қисмини акс эттиради.

Нутқ этикетлари лингвокультуремалардан бири бўлиб, улар ундалмаларни ҳам ўз ичига олади. Ундалма, Н.И. Формановская фикрича, энг ёрқин, энг кўп ишлатиладиган этикет белгисидир. (Формановская Н.И., 1989, 41).

Ундалманинг вазифаси бир қанча:

- 1) нутқ қаратилган шахсни аташ;
- 2) нутқ қаратилган шахснинг эътиборини ўзига тортиб, мулоқотга жалб қилиш;
- 3) нутқ қаратилган шахсга баҳо бериш;
- 4) нутқни бошқариш;
- 5) нутқ қаратилган шахсга омилкор таъсир қилиб кўзлаган мақсадига эришиш.

Бошқача айтганда, бирор-бир кишига мурожаат қилганда сўзловчи уни атайди, унга ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатини билдиради, мулоқотга

тортади ва нутқидан кўзлаган мақсадини амалга ошириш учун (саволга жавоб олиш учун, буйруғини, истаган нарсасини бажартириш учун, тингловчининг билмаган нарсасини билдириш учун) тил арсеналидан маълум формадаги ундалмани ишлатади. Тиллар ўртасидаги фарқлар ва ўхшашликлар мана шу икки тил арсеналларидаги ундалмаларнинг лексик-семантик, грамматик, стилистик-прагматик, структурал (формал), статистик ва ишлатилиши (узуси) бўйича белгилари билан фарқ қилади.

Тилшуносликда ундалманинг мақоми тўғрисида қатор бир-бирига зид бўлган фикрлар мавжуд. Масалан, В.П. Проничев (1971), Г.Г. Почепцов (1981), А.Н. Печников (1963), Р. Зандворд (Zandvoort R.W. 1948), Г.П. Торсуев (1950), И.В. Дорофеева (2005) ва бошқалар ундалмани гап деб қарайдилар. Уларнинг фикрига кўра, ундалмаларда гапнинг ҳамма белгилари, яъни замон маъноси (ҳозирги замон маъноси), майл (буйруқ маъноси), шахс ва сон маънолари (иккинчи шахс, бирлик ёки кўплик маънолари) ва алоҳида интонация бор. А.М. Мухин (1968), М. Блохлар (Blok M.Y., 1994) ундалмани гапдаги иккинчи даражали бўлақларнинг алоҳида тури деб қарайдилар. Шунга ўхшаш фикрни Дж. Остин (1986), Дж.Р. Сёрль (1986), Л.П. Рыжкова (1982) асарларида ҳам учратиш мумкин. Улар ундалмани нутқ фаолияти нуктаи назаридан кўриб **нутқ ҳаракати (речевой акт)** деб қарайдилар.

Анъанавий тилшуносликда ундалмалар гапнинг кириш бўлақлари сифатида қаралади. Кириш бўлақлар эса, асосий гап билан ёки унинг бўлақлари билан ҳеч қандай грамматик боғланмай фақат маъно жиҳатидан боғланган нарса деб ҳисобланади.

Айрим тилшунослар ундалманинг асосий гап билан грамматик боғланишини тан олмасаларда, унинг гап билан маъно жиҳатидан боғланишини тан оладилар, аммо улар ундалмалар мақомини аниқлашдан қочадилар. (Қаранг, Р.Р. Сайфуллаев, 1960).

Ундалма бўйича энг охирги диссертацион ишнинг муаллифи И.В. Дорофеева (2005) ундалмани дискурснинг қисми (компоненти) сифатида қарайди. Хатто уни **дискурснинг оператори** деб ҳам атайди. Демак, ундалманинг мақомини аниқлаш, бу борада яна илмий ишлар олиб боришни тақозо қилади.

Ундалмалар кичик синтактик системани ҳосил қилади. Бу система ичидан нутқ жараёнида маълум бир ундалма формасини танлаб олиш нутқ вазиятига, коммуникантларнинг социал мақомларига, ёшига, бир-бирларини яхши танишига, дўстоналик муносабати даражасига, қариндошлик даражасига, жинсий фарқига, ахлоқига, кайфиятига, миллатига, суҳбат мавзусига боғлиқ

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

VI ilimiy maqalalar toplami

ҳолда танланади. Масалан, рус мактабида ўқувчилар ўқитувчига исми ва отасининг исми орқали мурожаат қилсалар (Иван Сергеевич, Нина Ивановна), ўзбек мактабларида **устоз** сўзи ишлатилади. Яна бир мисол. Инглиз ва Америка армияларида оддий аскар офицерга унинг ҳарбий унвони билан ёки **ҳарбий унвони + фамилияси** қолипи асосида ясалган сўз бирикма билан мурожаат қилади, Ўзбекистон Республикаси армиясида эса, у офицерга **ўртоқ + ҳарбий унвон** қолипи асосида ясалган сўз бирикмаси билан мурожаат қилади:

Инглизчада: **Captain**, may I ask you a question?

Captain Brown, may I ask you a question?

Ўзбекчада: **Ўртоқ капитан**, сиздан бир савол сўрасам мумкинми?

Ундалмаларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин.

1. Сўз ёки ундан катта бирликлар билан ифодаланишига кўра:

- 1) сўз билан ифодаланган ундалмалар: **Helen**, come here.
- 2) сўз бирикмалари билан ифодаланган ундалмалар: **My dear**, come here.

2. Сўз туркумларига кўра:

- 1) отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 2) отлашган сифатлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 3) олмошлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 4) отлашган сонлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 5) отлашган сифатдошлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 6) отлашган равишдошлар билан ифодаланган ундалмалар.

3. Таркибига кўра:

- 1) бир қисмли ундалмалар;
- 2) икки қисмли ундалмалар;
- 3) кўп қисмли ундалмалар;
- 4) уюшган ундалмалар.

4. Жойлашишига кўра:

- 1) препозитив (гапнинг бошида келувчи) ундалмалар;
- 2) интерпозитив (гапнинг ичида келувчи) ундалмалар;
- 3) постпозитив (гапнинг охирида келувчи) ундалмалар.

5. Отларнинг турларига кўра:

- 1) исмлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 2) тўлиқ номлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 3) фамилиялар билан ифодаланган ундалмалар;
- 4) лақаблар билан ифодаланган ундалмалар;

- 5) тахаллуслар билан ифодаланган ундалмалар;
- 6) касб билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 7) ҳайвонларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 8) кумурсқаларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 9) қушларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 10) ўсимликларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 11) ширинликларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 12) эмоционал отлар;
- 13) тана қисмларини билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 14) абстракт отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 15) унвонларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 16) лавозимларни билдирувчи отлар билан ифодаланган ундалмалар;
- 17) қариндошлик атамалари билан ифодаланган ундалмалар.

6. Сўзловчининг тингловчига бўлган муносабатига (баҳолашига) кўра:

- 1) нейтрал муносабат (баҳолаш) ифодаловчи ундалмалар: **Ахмад**, кел.
- 2) ижобий муносабат (баҳолаш) ифодаловчи ундалмалар: **Ахмаджон**, кел.
- 3) салбий муносабат (баҳолаш) ифодаловчи ундалмалар: **Ярамас**, бери кел.

Тиллар ўртасидаги энг кўп лингвокультурологик фарқлар бешинчи ва олтинчи классификацияларда кўринади. Бу фарқлар қатор тиллараро лингвокультурологик интерференцияларни келтириб чиқаради.

Айтиш лозимки, инглиз тили амалий грамматикаларида ундалмаларга бағишланган машқлар деярли йўқ. Ҳозирги замон тил ўқитиш методикасида маданиятлараро мулоқат тамойили пайдо бўлган экан, келгусида чиқадиган амалий грамматика буйича дарсликларда ундалмаларга алоҳида эътибор бериш керак бўлади. Айниқса, лингвокультурологик интерференцияларни нейтраллаштиришга мўлжалланган машқлар яратиш керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Воробьев В.В. Лингвокультурология. Теория и методы. – М., 1997.
2. Дорофеева И.В. Английское обращение в системе языка и в дискурсе. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тверь, 2005.
3. Маслова В.А. Введение в когнитивную лингвистику. – М., 2004.

TIL HÁM AWDARMA MÁSELELERI

VI ilimiy maqalalar toplami

4. Мухин А.М. Структура предложений и их модели. – Л., 1968.
5. Остин Дж. Слово как действие // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – М., 1986. – С. 22-129.
6. Печников А.Н. К вопросу о смысловых и грамматических связях обращения в предложении // - Уч. зап. Куйбышевск. гос. пед. инст. Вып. 40. Куйбышев, 1963. – С. 81-84.
7. Проничев В.П. Синтаксис обращения. – Л. 1971.
8. Рыжкова Л.П. Обращение как компонент коммуникативного акта. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Калинин, 1982.
9. Сайфуллаев Р.Р. Обращение в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Самарканд, 1960.
10. Сёрль Дж.Р. Классификация речевых актов. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVII. Теория речевых актов. – М., 1986. – С. 170-194.
11. Торсуев Г.П. Фонетика английского языка. – М., 1950.
12. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. – М., 1989.
13. Юсупов Ў.Қ. Когнитив лингвистика ҳақида // Аюб Гуломов ва ўзбек тилшунослиги масалалари. – Т., 2007. – Б. 21-27.
14. Blokh M.Y. A Course in Theoretical English Grammar. – Moscow, 1994.
15. Zandvoort R.W. A Handbook of English Grammar. Groningen, 1948.